ЦИВИЛИЗАЦИЯ – СИНЕРГЕТИК ВОҚЕЛИК

В.АЛИМАСОВ

В статье рассматриваются философско-синергетические проблемы цивилизации. Человеческая цивилизация развивается нелинейно, бифуркационные процессы обнаруживаются во всех цивилизациях.

This article discusses philosophical-synergetic problems of civilization. The Human civilization develops nonlinear, bifurcation processes can be seen in all civilizations.

Ижтимоий-маданий жараёнларни синергетик воқелик сифатида қараш борасида ҳали аниқ концепциялар яратилмаган бўлса-да, лекин бу борада айрим мақолалар эълон қилинган. Масалан, фалсафа фанлари доктори, профессор М.С.Каган табиий ва ижтимоий-маданий жараёнлар билан боғлиқ тараққиётни икки: мифологик ва табиатни илмий билиш босқичларига ажратади. У ушбу босқичлар эволюциясидан, албатта, ички тизимлардаги зиддиятли ҳодисаларни, тасодифий тўқнашув ва нотекис ривожланишни қайд этган ҳолда, ижтимоий-маданий тараққиёт ҳатто Гегелнинг "тезис-антитезис-синтез" триадаси эмас, балки "кумулятив принцип", яъни зиддиятли, нотекис ривожланиш жараёнида тўпланган позитив тажрибалар асосида рўй беради, деган хулосага келади [1;48-49]. Тўғри, Гегель триадаси ривожланишни маълум бир схемага солади, тезисдан кейин албатта антитезис келади, тезис ва антитезисдан кейин эса синтез келиб чиқади деган хулосага олиб келади. Ижтимоий тараққиёт, илм-фан ва назарий-фалсафий таълимотларнинг ривожланиши кўрсатадики, тезис ҳар доим ҳам антитезисни, улар биргаликда ҳар доим ҳам синтезни келтириб чиқаравермайди. Масалан, тезисдан кейин уни тасдиқловчи тезис (Эпикурнинг "табиатда бўшлиқ йўқ", "ён-атроф кўзга кўринмас атомларга тўла" назариясини эсланг)га ёки тезис ва антитезисдан кейин синтез эмас, балки илгариги тезис (Қадимги Миср башоратчилари Венера ва Уран планеталарининг ғайритабиий, яъни Қуёш системасидаги планеталар ҳаракатига зид айланишини башорат қилишган эди. То XX асрнинг ўрталаригача илм-фан ушбу қарашни рад этиб келди. Ҳозир эса олимлар Венера тескари томонга, Уран эса ён томонга ағанаб айланишини аниқлашган [2;57-58]). 5 миллиард йиллар аввал гравитация таъсирида чанг ва газлар қоришмасидан Қуёш системаси, илк планеталар – протопланеталар пайдо бўлгани ҳақидаги назария икки асрдан бери қайта ва қайта тезис – аксиома сифатида қайд этилади.

Ижтимоий ҳодисаларнинг ўзини ўзи ташкил этиш ва нотекис ривожланишга мойиллигини антик давр мутафаккирлари ҳам яхши билишган. Масалан, Фалес ҳамма ҳодисалар заруриятга бўйсунади, деб ҳисоблаган [3;103]. Зарурият эса универсал хусусиятгаэга ва у ҳодисаларнинг нафақат текис, шунингдек, нотекис кечишини ҳам белгилайди. Гераклитни эса синергетик таълимотнинг асосчиси дейиш мумкин. У ҳамма нарса ҳаракатда, ҳеч нима жойида турмайди, шодлик ва қайғу, оқиллик ва ғофиллик, кичик ва катта тинмасдан "Мангулик ўйинида" у ёқдан бу ёққа силжиб туради, борлиқдаги барча нарса, шу жумладан кишилар, уларнинг ақли, фаолияти ҳам "ўз зиддияти томон ҳаракатдадир деган ғояни илгари сурган [3;18-182]. Тўғри, антик давр мутафаккирлари "синергетика" сўзини ишлатишмаган, аммо улар ҳаёт, тараққиёт, инсон фаолияти, гносеологик изланишлар нафақат ўзининг имманент хусусиятларига, худди шунингдек, тасодифий ўзгаришлар ва нотекис кечишга мойиллигига оид фикрларни билдирганлар.

Шу пайтгача инсоният тараққиётига, айниқса, цивилизация ривожланишига оид турли назарий концепциялар илгари сурилган. Ибтидоий (варварлик) давридан цивилизацияга ўтиш (Морган), формацияли ёндашув (Маркс), "ўқли ривожланиш" (К.Ясперс), онтогенетик (туғилиш, вояга етиш, ривожланиш, таназзулга учраш) ёндашув (О.Шленглер), аксиологик-парадигмал ёндашув (К.Кантор), альтернатив ёндашув (И.Бестужев-Лада), локал ёндашув (А.Тойнби). Мазкур ёндашувлардаги ғояларни, гносеологик таҳлилларни бу ўринда келтиришга ҳожат йўқ, чунки улар махсус, кенг тадқиқотни тақозо этади. Шу боис биз диққатимизни инглиз тарихчи-файласуфи А.Тойнби (1889-1975)нинг цивилизация назариясидаги синергетик фалсафий ғояларга қаратиш билан чекланамиз.

А.Тойнби ўзининг ўн бир жилдлик "Тарихни англаш" асарига кириш қисмида ғарб тарихий-фалсафий фикри индустриализация руҳини шунчалик гипертрофия шаклига айлантирдики, бугун ҳеч бир ғарб кишиси, айниқса американизм ғоясига берилган шахслар инсон фаолияти, ҳаёт тарзи, фикрлаши бошқача кечишини тасаввур этолмайди, деб ёзади. Кишилар ҳаётига ҳам нотирик табиат сифатида қараш "унда ҳаётнинг мавжуд ёки номавжуд эканини, унга бир бутун" тизим сифатида ёндашиб ички зиддиятларини, гоҳо эса мантиққа зид тарзда кечишини илғамасликдек хатога олиб келади [4;16-17]. Ян (кириш, эркак, ёруғлик) ва инь (чиқиш, аёл,

қоронғилик) цивилизацияга хос ҳодисалар сифатида ҳар бир тарихий босқичда, воқеаларнинг ички имманент ривожланишига мувофиқ келадиган принцип, “универсал парадигма” сифатида келади. Ҳеч бир цивилизация (ички) ва инь (ташқи) таъсирларсиз ривожланмаган, улар тинимсиз бир-бирига ўтиб, бир-бирини тўлдириб ҳар бир босқичда ўзига хос тарихий-маданий бойликлар яратган. Агар ибтидоий жамиятларда мимесис ўтмишга, анъаналарга қаратилса, динамик ривожланишга мойил жамиятларда мимесис келажакка, ҳар бир босқичда дуч келинадиган муаммоларни ҳал этишга қодир ижодий кучларга қаратилади [4;93-94]. Динамик жамиятлар муаммолардан, тўсиқлардан, ички тизимларини янгилашдан, инновациядан қўрқмайди, балки ички кучларини, ўзини ўзи бошқариш ва ҳаракатга келтириш, тасодифий ҳодисаларни рационаллаштиришни табиий ҳол сифатида қабул қилади. Тараққиёт, ян ёки инь доирасида юз бермайди, цивилизация учун уларнинг иккаласи ҳам керак. Эркак ва аёл, кириш ва чиқиш абадият, ҳаёт, мавжудлик учун қанчалик зарур бўлса, улар тараққиёт, цивилизация учун ҳам шунчалик зарурдир.

А.Тойнби жаҳон цивилизацияларини 21 кўринишга классификация қилади. Унинг фикрига кўра, цивилизациялар генезисида Даъват ва Жавоб принципи, қонунияти ётади. Даъватни табиий ва инсоний омиллар келтириб чиқаради. Масалан, инсоният тарихидаги илк миср ва шумер цивилизациялари обҳавонинг ўзгариши, дарёларнинг қуриши натижасида ибтидоий жамиятлар негизида пайдо бўлган. Ушбу табиий Даъват ҳаёт тарзини кескин ўзгартирган, термачилик ва овчиликдан воз кечмаган жамоалар қирилиб кетган. Термачилик ва овчиликдан чорвачилик ва ҳунармандчиликка ўтган жамоалар Даъват принципига, қонуниятига Жавоб бера олган, шу тариқа илк цивилизация яратган [4;113-114].

А.Тойнби умуминсоний цивилизация йўқ, дунёда локал цивилизациялар мавжуд деб ҳисоблайди. “Умуминсоний тарих” борлиги ҳақидаги ғоя “текис ривожланиш мавжуд” деган нотўғри тасаввур маҳсулидир[4;85, 5;482]. Тарихни, цивилизация ривожланишини бундай тушуниш хато, уларга давр синовларида биринчиси дарров ҳалок бўладиган, иккинчиси яшаб қоладиган, аммо ўзининг куч-қувватини йўқотадиган, учинчиси синовлардан тобланиб, чиниқиб камол топадиган, тўртинчиси эса кетидан келаётган авлодлар учун йўл очиб берадиган кашфиётчилардан иборат ранг-баранг, мураккаб, гоҳо англаниши қийин жараёнлар деб қарамоқ керак. Шунинг учун тарихни, цивилизацияни “қадимги давр + ўрта асрлар + янги давр”га бўлиб конвенционал тушуниш тўғри эмас [4].

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалар кўрсатадики, цивилизация моҳиятан синергетик воқеликдир. Уни тайёр қолиплар, таърифлар, схемалар тарзида тушуниш ундаги бифуркация жараёнларини, гоҳ текис, гоҳ нотекис кечадиган мураккаб, флуктацион ўзгаришларни четлаб ўтишга, яъни ранг-баранг воқеаларни сийқа талқин қилишга олиб келади. Цивилизациялар онтогенетик хусусиятга эга, яъни улар ҳам тирик организм каби туғилади, вояга етади, равнақ топади, қарийди ва сўнади. Шунинг учун цивилизациялар нафақат ички имманент қонуниятларига, худди шунингдек, ян ва инь, Даъват ва Жавоб, флуктация ва бифуркация, эволюция ва инволюция талабларига мувофиқ ривожланадиган динамик бирлашмалардир.

Цивилизациянинг синергетик воқелиги уни яхлит тизим, организм сифатида қарашга халақит бермайди. Яхлитлик воқеликни барқарор объект сифатида англашга, ундаги эволюцион ёки инволюцион жараёнларни ўрганишга, объект ривожланишини тўғри белгилашга, прогноз қилишга ёрдам беради. Цивилизациянинг барқарорлиги, унда турғун элементларнинг мавжудлиги мутлақ регрессив ҳодиса эмас, балки тараққиётнинг, олға силжишнинг шартидир. Шарқ цивилизацияси ўзидаги барқарор, турғун элементларига таяниб трансформацияга учраб, ривожланиб келаётганини унутиб бўлмайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каган М.С. Синергетическая парадигма – диалектика общего и особенного в познании различных сфер бытия / Синергетическая парадигма. Нелинейное мышление в науке и искусстве. – М.: Прогресс-традиция, 2002. – С.48-49.
2. Великие открытия. – М.: АСТ, 2005. – С.57-58.
3. Фрагменты ранних греческих философов. Часть I. – М.: Наука, 1989. – С.103.
4. Тойнби А. Постижение истории. – М.: Прогресс, 1991. – С.16-17.
5. Тойнби А. Цивилизация перед судом истории. – М.: Рольф, 2002. – С.482.

ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти,
2010 йил 5 сентябрда қабул қилинган